

АБДУЛАКИМОВА Нодира Болтаевна
 Ўзбекистон Фанлар академияси
 Ўзбекистон тарихи давлат музейи,
 мустақил тадқиқотчи

ТОШКЕНТ МАСЖИД ВА МАДРАСАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ МЕЧЕТЕЙ И МЕДРЕСЕ ТАШКЕНТА

THE HISTORICAL DEVELOPMENT OF MOSQUES AND MADRASAS IN TASHKENT

Аннотация. Мазкур мақолада Тошкент (Шош) да ўрта асрларда ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган олим-фузалоларнинг етишиб чиқганлиги, Тошкентда ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёт, аҳоли турмуш тарзи ривожланганлиги ҳақида бирламчи манбалардаги илмий маълумотлар келтирилган.

Шу билан бирга XV-XVI асрларда Тошкентда ислом маданияти ва архитектураси ривожланганлиги, сўфийлик ривожига, олимлар, азиз авлиёлар қабрлари устига мақбаралар қуриши, улар атрофида масжид-мадрасалар, минора, ҳовузларнинг қурилиши, уларга вақфдан мулк ажратилганлиги, у жойлар маънавий марказ бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Тошкент, Шош, олим, фузало, маданият, маънавият, архитектура, мақбара, масжид, мадраса, минора, ҳовуз.

Аннотация. В данной статье приведены научные сведения из первоисточников о том, что в средние века в Ташкенте (Шаше) выросли учёные и знатоки, внесшие большой вклад в развитие исламских наук, а также о развитии социально-экономической, культурной и духовной жизни города и образа жизни его населения.

Кроме того, изложены ценные сведения о развитии исламской культуры и архитектуры в Ташкенте в XV–XVI веках: распространении суфизма, строительстве мавзолеев над могилами учёных и святых, возведении вокруг них мечетей, медресе, минаретов и водоёмов, о выделении им имущества из вакфов, а также о превращении этих мест в духовные центры.

Ключевые слова: Ташкент, Шаш, учёный, знаток, культура, духовность, архитектура, мавзолей, мечеть, медресе, минарет, водоём.

Abstract. This article presents scholarly information from primary sources about the emergence of scholars and intellectuals in medieval Tashkent (Shash) who made a significant contribution to the development of Islamic sciences, as well as about the city's socio-economic, cultural, and spiritual life and the lifestyle of its population.

In addition, valuable data are provided on the development of Islamic culture and architecture in Tashkent during the 15th–16th centuries: the spread of Sufism, the construction of mausoleums over the graves of scholars and saints, the building of mosques, madrasahs, minarets, and pools around them, the allocation of waqf property for their maintenance, and the transformation of these sites into spiritual centers.

Keywords: Tashkent, Shash, scholar, intellectual, culture, spirituality, architecture, mausoleum, mosque, madrasah, minaret, pool.

КИРИШ

Ўзбекистон тарихида Тошкент воҳасининг олим-фузалолари, масжид-мадрасалари, тарихий обидаларининг ўрни ва мавқеи ўзгача. Тошкент қадимий шаҳар бўлиб, қимматли меъморий мерос намуналарига эга шаҳарлар қаторига киради. Ушбу меъморий ёдгорликлар тарих силсилалари давомида шаклланиган. Тошкентдаги Занги ота, Шайх Зайниддин каби тарихий ёдгорликлар Амир Темур даврида барпо этилган. Тошкентдаги бошқа тарихий меъморий объектларнинг пайдо бўлиши XV-XVI асрларга тўғри келади.

Тошкент шаҳрида XV аср охири XVI аср бошларида қатор иншоотлар барпо этилган. Уларнинг баъзилари бизгача етиб келган. Чорсудаги баландликда пишиқ ғишдан ҳаворанг гумбазли Кўкалдош мадрасаси, ундан сал нарироқда Хожа Аҳрор фармони билан XV асрнинг 50 йилларида қурилган масжид ва унчалик катта бўлмаган мадраса қурилган. XV асрнинг охирида Хожа Аҳрор жоме масжиди ва маҳалла масжидлари ҳамда Тошкент мадрасаси фойдасига вақф таъсис этилган. XV-XVII асрларга оид вақф ерлари миқдори ҳақидаги маълумот аниқланмаган. Аммо 1896 йил маълумотларига кўра Тошкент

мадрасаларига тегишли ерларнинг майдони 6615 таноб бўлган. Абдурахмон Жомий 1479 йил 13 июлда Тошкентга келиб Хожа Аҳрор мадрасаси ва масжидида бўлган [1:24-25].

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаммад Солихнинг XIX асрда ёзилган «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент шаҳри топографияси, шаҳар атрофидаги жойларнинг географик жойлашуви ёритилган. Унда Шайх Хованди Тохур, Юнусхон, Шайх Зайниддин, Сузук ота, Хўжа Нуриддин, Чўпонота зиёратгоҳлари, яъни макбараларининг қурилиш услуби, таъмирланиши, улар атрофидаги масжид, мадрасалар, шу билан бирга йўқолиб кетган объектлар ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган [2:36-38].

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Тошкентда ислом маданияти шаклланганлиги, воҳа тарихи, топографияси, жой номлари, географик жойлашуви, шаҳарлар қурилиши, аҳоли турмуш тарзи, маънавий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ҳақида маълумотларни беради ва Тошкент зиёратгоҳлари, масжид, мадрасалари, уларнинг аҳоли ҳаётида тутган ўрнини ўрганишда қимматли қўшимча манба ҳисобланади.

Туркистон мадрасалари, архитектура ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб борган В.А.Булатова: “Мадрасалар архитектура объекти сифатида X асрда шакллана бошлаган. Марказий Осиё худудидан топилган қадимги будда ибодатхоналарининг муҳандислик ечимлари Туркистон мадрасаларининг қурилиш режасига асос қилиб олинган. XV асрга келиб мадрасалар қурилишида шарқ меъморчилигининг ўзига хос анъаналари юзага келган” деб таъкидлайди. Олим ўрта асрлар мадрасалари меъморчилиги, Барокхон мадрасаси тарихини кенг ёритган. Н. А.Маев, XIX асрда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида 60 масжид ва 3 мадраса, Себзор даҳасида 10 та катта масжид ва 3 мадраса. Кўкча даҳасида 51 масжид ва 2 мадраса, Бешёғоч даҳасида 68 масжид ва 3 мадраса бор эди” [3:262-270], деб ёзади.

Одатда мадрасалар тўртбурчак шаклда бўлиб, теварак атрофи девор билан ўралган, бино таркибида хужралар бўлган. Уларда

талабалар, баъзида мударрис ва мутаваллилар ҳам истиқомат қилишган. Бундан ташқари бино таркибига бир неча дарсхона, кутубхона, масжид, таҳоратхона кирган. Айрим мадрасалар атрофида ҳаммом ҳам бор эди. Олд ўриндаги икки бурчагида, баъзиларининг тўрттала бурчагида кичик гумбазлар қад кўтариб турган, баланд миноралари ҳам қад ростлаган.

Бундан ташқари рус ўлкашуносларнинг маълумотларида мадрасалар ҳақида маълумотлар ҳам учрайди. Аммо бу маълумотлар бир биридан фарқ қилади. Хусусан 1868-йилда Тошкентда бўлган А.П.Хорошхин тошкентлик суҳбатдошларидан тўплаган маълумотга асосланиб, шаҳарда 17 та мадраса борлигини шунингдек, Ф. Хелвалд ҳам 17 та, П.И. Пашино 15 та мадраса борлигини таъкидлайди. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1876 йилги 48-сонида Тошкент мадрасалари тўғрисида берган расмий маълумотида 13 та, Туркистон ўлкаси таълим тизимини ўрганган К.Э.Бендриковнинг тадқиқотида 14 мадраса тилга олинган.

Марказий Осиё худудларининг XIX аср охирида Россияга кўшиб олинishi олимларнинг Туркистондаги ижтимоий, сиёсий маданий ва маънавий ҳаёт, мусулмон аҳоли турмуш тарзи, зиёратгоҳлар, макбара, мадраса, масжид, мозорлар ва муқаддас жойлар тўғрисида қизиқишини орттирди.

Кўкалдош мадрасаси (XVI аср) Тошкент шаҳри маркази бўлган Чорсу майдонида, Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46 уйда жойлашган. Кўкалдош мадрасаси ўз даврининг энг йирик мадрасалардан ҳисобланади. Мадраса қадимий баланд тепалик устига 1551-1575 йилларда Бухоро хонининг вазири Қулбобо Кўкалдош томонидан қурдирилган [4:179]. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича Барокхоннинг ўғли Дарвишхон томонидан бунёд этилган [5:145]. Албатта бу манбаларга қарайдиган бўлсак кўп илмий манбаларда Бухоро хонининг вазири Қулбобо Кўкалдош томонидан қурдирилганлиги айтилади. Бино шаҳристон четида жойлашган. Дарвешхоннинг вақф қилиб берганини ҳисобга олсак мадраса биноси аввалдан мавжуд бўлган.

Мадраса ўзгача услубда қурилганлиги билан ажралиб туради. Кўкалдош мадрасаси

ўлчами жуда катта бўлишига қарамай, икки айвонли ҳовли тизимида ишлаб чиқилган. Дарвозаси кўк рангли кошнлар билан безатилган. Кейинчалик А.Л. Кун альбомида акс этган Кўкалдош мадрасасининг гўзал дарвозаси йўқолган. Мадраса умумий ўлчами 62,7х44,9 м бўлиб, жануб томонга қараб қурилган. Масжид қурилиши пишшиқ ғиштдан бўлиб, гумбази ҳаворанг бўлган [6:103]. Дарвозадан кираверишда ўнг томонда дарсхоналар, чапда масжид жойлашган. Мадраса томи ровоклар устига ўрнатилган 7 та гумбазлардан иборат бўлган. Унинг фаясини бир неча гумбазлар бегаб туради.

Дастлаб 3 қаватли ва 38 хужрали бўлган. Олди баланд пештоқли. Мадраса олд қисми сиркор парчин ва гириҳ нақшлар билан безатилган. Бинонинг олд томонига анъанавий баланд зина қилинган. XVIII аср бошларида карвонсарой омборхонаси сифатида фойдаланилган [7:207].

1830-1831 йилларда Кўкалдош мадрасасида умумий кўринишида ўзгаришлар амалга оширилди: иккинчи қават таъмирланди. XX аср охирига келиб эса масжид ва дарсхона устидаги гумбазлар олиб ташланган [6:103]. Кўкалдош мадрасаси 1868 ва 1886 йилларда Тошкентда юз берган зилзилалардан зарарланган. Тахминан, 1904 йилда маҳаллий аҳоли томонидан қайта таъмирланган [2:31]. Баъзи маълумотларга кўра, мадрасада 1902-1910 йилларда катта таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ва 26×13×6 см ўлчамли рус ғиштлиридан фойдаланилганлиги келтирилган.

XX аср 30-60 йилларида эса рус реставраторлари тамонидан қайта тўлиқ таъмирланган [8:269]. Қайта-қайта таъмир натижасида ташқи кўриниши ўзгарган.

Мустақиллик йилларида янгидан таъмирланган. У 1991 йилдан Ўзбекистон Муслмонлар диний идораси тасарруфига кирган. Бино ҳозирда ўрта махсус ислом билим юрти бўлиб, талабалар таҳсил олиб келмоқда.

Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасаси (XV аср) Тошкентнинг Шайхонтоҳур тумани, Чорсу бозори яқинида жойлашган. 1451 йилда Хожа Аҳрор тамонидан қурилган мадраса Тошкент мадрасалари орасида энг йириги

бўлган [6:47]. Бу бино дастлаб Шайх Хованда Тоҳур томонидан қурдирилган. Аммо Хожа Аҳрор тиклагани сабабли унинг номи билан аталади [4:181]. Муҳаммад Солиххўжа яшаган бу даврда бу масжид аҳоли орасида «Олтинлик масжид» номи билан аталган [5:147].

Хожа Аҳрор мадрасаси қурилиши XV асрдаги Амир Темур ва темурийлар давридаги жаҳонга машҳур мадрасаларга ўхшаб кетади. Жумладан, Ёждувондаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ўлчами 34х29 м бўлган бўлса, Хожа Аҳрор мадрасаси ўлчами 32,5х29 м ни ташкил этган. Ҳажми катта ва мураккаблигидан қатъий назар, бинолар ҳар тарафлама бир хил эканлигини кўриш мумкин. Бу тўртбурчак ҳовли атрофида ёпиқ мажмуа бўлган [6:47].

Мажмуа умумий дарсхона яъни хужра ва гумбазли зал яъни масжидлардан иборат бўлган. Кириш қисми марказда ҳовлига олиб борадиган айвонли шийпон ва тиргакли йўлаклардан ташкил топган. Ҳовлидаги бу айвонли шийпонлар ёзги дарсхона вазифасини бажарган. Ички ҳовли тўртда айвонли масжидга бўлинган.

Масжид ташқаридан қараганда жуда катта кўринишга эга. Масжиднинг шимол ва жанубида 22 та равоқ, 22 гумбаз, дарвоза, шарқида 14 та равоқ, 14 та гумбаз бўлган. Яна бир гумбаз, 8 бурж, 12 гумбаз бўлиб, пишшиқ ғишт ва йўнилган тошлардан қурилган [5:166]. Масжиднинг бир қисми Шералихон (1842-1845) даврида, яна қисман Қозоқбойбийнинг ўғли Солихбек Охун ва қисман Хожа Аҳрорнинг вақф ерларидан тушган даромадга қуриб битказилган. XIX Хожа Аҳрор валий мадрасаси аср охириларидаги маълумотларга кўра шаҳар мадрасалари орасида энг кўп вақф даромадига эга ўқув муассасаси эди [9:115]. Масжиднинг гумбази 1866 йил зилзила вақтида яна қулаб тушган.

Тошкентда Хожа Аҳрор номи билан боғлиқ 10 дан ортиқ масжид бўлганлиги манбаларда келтирилади. Бундан ташқари Тошкент ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирган. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки Хожа Аҳрор номи билан боғлиқ масжидларнинг ҳаммаси ҳам унинг ўзи томонидан қурилмаган. Бундай

масжидларнинг бештаси Шайхонтохур, тўртаси Бешёғоч ва учтаси Кўкча даҳасида жойлашган.

Нақшбандия тариқатининг иршоди Абулқосимхон отаси Тўраҳон эшон бўлган. Абулқосим эшон ва унинг укаси Саййид Қосимхон «Силсилат ул-Ортфон» рўйхатига керган [10:87]. Абулқосим эшон ва унинг укаси Саййид Қосимхон дастлаб 1856 йил Бешёғочда «Мўйи Муборак» мадрасасини бунёд этиб, талабаларга илм улашган. Абулқосим эшон рус империяси даврида ижтимоий ҳаётда ҳам фаол бўлганлиги сабабли рус ҳукмдорлари унга нисбатан қарши бўлган. Шу сабабли Черняев томонидан адолатсиз ва ноқонуний равишда Сибирга сургун қилинган. Мулла Солиҳбек додхоҳ томонидан озод қилиб, Тошкентга қайтарилган [10:88].

Абулқосим мадрасаси (XIX аср) Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси собиқ Бешёғоч дарвозаси яқинида жойлашган. Ўз даврида Бешёғоч даҳасидаги энг йирик ва номдор мадрасалардан бўлга. Мадраса «Абулқосим эшон», «Маъдихон қози», «Янги маҳалла мадрасаси» деб ҳам аталган. Мазкур мадраса Абулқосимхон эшон Хонтўраҳон эшон ўғли томонидан қурилган [6:47-69]. Абулқосим эшон кўзга қурунган уламолардан бўлган. Эшон 1892 йил Тошкентда тарқалган вабодан вафот этгач, мадрасада унинг ўғли Ҳошимхон эшон бош мударрис ва мутаваллилик қилган [10:87].

Мадраса архив ҳужжатларига кўра 1790 ва 1855 йил очилган. Меъморий объект мадраса, масжид ва хонақоҳдан иборат [5:162]. XVI асрда анъана бўлган икки айвонли кириш қисми, бинолари бир линияда тушган мадраса турига кирган.

Ҳовлининг тўрида ёзги зал жойлашган. Кириш қисми симметрик шаклда бўлиб, устунли, еттигумбазли даҳлиздан иборат бўлган. Кейинчалик Абулқосим авлодларининг гапига қараганда, укаси Сайидқосим томонидан мадрасанинг жанубий-шарқий томонига икки гумбазли қилиб ҳаммом, шимолий томонига уч хонали устунли масжид солинган. Бу масжид 1980 йил бузиб ташланган [6:69]. Ҳовлига олд ва орқа томондаги пештоқ орқали чиқилади. Мадраса чортоқ тарҳли (55×46м), ҳовлиси (22×28 м) атрофида миёнсарой, масжид,

дарсхона, тўрда Мўйи муборак хонақоси (6,1×6,1 м) жойлашган. Дастлаб мадраса бир қаватли бўлган [11:152].

1919 йилда барча диний ташкилотлар қаторида бу мадраса ҳам ёпилган. 1940 йилда мадраса олдидаги ҳовуз ва ўнг томондаги ҳаммом бузиб ташалган. Чап тарафидаги устунли масжид ҳам 1981 йилда бузилган. 1946 йилда рўй берган кучли Чатқол zilзиласи Абулқосим мадрасасини қаттиқ шикастлаган. 1974 йил мадрасага Тошкент қўғирчоқ фабрикасининг филиали жойлаштирилган. Натижада бино таниб бўлмас даражада хароба ҳолига келиб қолди [11:153-154].

Бинонинг олд қисмига безак берилган бўлиб, пештоқнинг икки ёнида гумбазли миноралар бор. Мадраса, мактабхона (мурабба тарҳли-6,12×6,12 м) икки қавитли хужралардан иборат. Ҳовлидаги ҳовуз, кейинчалик қурилган ҳаммом 1940 йил бўзиб ташланган. 1979 йилда мадраса таъмирланган. Мадрасада Абдулла Қодирий ўқиган.

Абулқосим мадрасаси 1982-87 йиллар давомида қайта таъмирланди. 1983 йилдан мадрасада Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг Тошкент бўлими, 1996 йилдан Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими ва унинг халқ амалий санъатига ихтисослаштирилган Устоз-шоғирд йўналишидаги мактаби жойлашган [12]. Ҳозирда Абулқосим мадрасаси маданий мерос агентлигининг Тошкент шаҳар бўлими тасарруфига қиради.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, зиёрат яъни “муқадлас жойлар”, масжид-мадрасаларнинг шаклланиши, Ўзбекистон ҳудудида кERG татқалишида сўфийлик муҳим рол ўйнайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Шошда ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган олиму-фузалолар етишиб чиқган. XV-XVI асрларда Тошкент ва унинг атрофида ислом маданияти ва архитектураси шаклланди. XV аср охирида Тошкент зиёратгоҳлари, масжидлари, маҳалла масжидлари, мадрасалирига вақфдан мулклар ажратилган. Мазкур мулклар масжид, мадрасалар қуриш,

авлиёлар қабрини обод қилишга сарфланган. Тошкентда XVI асрда қурилиш ишлари авж олган. Шош (Тошкент) нинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти, аҳоли турмуш тарзи ривожланган.

ХУЛОСА

Тошкентнинг олиму, уламолари, зиёратгоҳлари, муқаддас қадамжолари, масжид-мадрасалари ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбалар, саёҳатчилар эсталиклари, архив материаллари, тарихий-бадий адабиётлар орқали бизгача етиб келган. Тошкент воҳаси тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзини ёритишда ёзма манбалар, уларни солиштириш, қиёслаш объектив маълумотларни аниқлаш имконини беради. Манбалар асосида зиёратгоҳларнинг тарихини ўрганиш, мамлакатимизда маҳаллий ва хорижий зиёрат туризмининг ривожлантириш, янги лойиҳаларга асос бўлади. Шу жиҳатдан мазкур мавзунинг ўрганиш бугунги кунда муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

1. Мукминова Р. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фан, 1984. – Б. 24-25.
2. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Тошкент: ЎзССР Фан, 1983. – Б. 36-38.
3. Маев Н. А. Азиатский Ташкент. Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 262-270.
4. Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топономияси (XIX аср охири-XX аср бошлари) Монография. – Тошкент: Noshirlik yog'dusi, 2009. – 179 б.
5. Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 145 б.
6. Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента (XIV-XIX вв). – Ташкент, 1983. – С. 103.
7. Зияев А. Ташкент – древность и средневековье. – Т., 2009. – 2007 б.
8. Ислон энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислон академияси, 2020. – Б. 269.
9. Тангиров О. XIX аср охири-XX аср бошларида Тошкент «эски шаҳар» қисми маъмурий бошқаруви ва ижтимоий ҳолати. – Тошкент: Renessans press, 2022. – Б. 115.
10. Муҳаммадқаримов А., Обидов А.Х., Искандаров З.С. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари – Тошкент: Navro'z, 2016. – Б. 87.
11. Муҳаммадқаримов А. Тошкентнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 152.